

---

## Murojaatnoma

Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлисга ҳамда Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимиз тараққиётининг ҳар бир соҳасини чуқур таҳлил этиб, келгусидаги устувор вазифалар, юксак мақсадларни белгилаб берди.

**2021 йилда** иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Айниқса, ёшлар ва аёллар дафтари ҳамда темир дафтарга киритилган оилаларга, **“маҳаллабай”** ишлаш тизими орқали, хонадонма-хонадон юриб, уларни кўникмаларидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш ҳамда иқтисодий кўмак берган ҳолда даромадларини ошириш орқали уларни бугунги ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун тўғри йўлни кўрсатиб берди.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида

Муҳтарам Президентимизнинг 2021 йил 3 феврал кунги ПФ-6155-сонли Фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини **“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”** да амалга оширишга оид **5та** бўлим, **273та** банддан иборат давлат дастури тасдиқланди.

Туманда жорий йилнинг январ-ноябр ойларида 2021 йил учун режалаштириб олинган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ижроси таъминлашга эришилмоқда. Хусусан, 2021 йилнинг 11 ойида

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **440,0 млрд.сўмга** ёки **120,5 фоизга** ўсиб, аҳоли жон бошига **2,0 млн.сўмга**;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **1920,7 млрд сўмга** ёки **105,5фоизга**, аҳоли жон бошига **9,3млн сўмга**;
- хизматлар кўрсатиш ҳажми **436,2 млрд сўмга** ёки **117,3 фоизга**, аҳоли жон бошига **2,6 млн сўмга** тўғри келмоқда;
- қурилиш ҳажми **138,2 млрд. сўмга** ёки **143,7 фоизга**, аҳоли жон бошига **636,5 минг сўмга** бажарилди.

Туманда **2021 йилда** умумий қиймати **114,7 млрд.сўмга** тенг **48 та** инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши ҳамда буларнинг негизида **532 та** янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, ўтган даврда умумий қиймати **70,3 млрд.сўмга** тенг **40 та** инвестиция лойиҳалари фойдаланишга қабул қилиниб, **285нафар** янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Хусусан

**Саноат йўналишида** умумий қиймати **23,7 млрд.сўмга** тенг **13 та** лойиҳалар фойдаланишга қабул қилиниб, **134 та** иш ўрнилари яратилди.

**Хизмат кўрсатиш** йўналишида умумий қиймати **36,3 млрд.сўмга** тенг **22 та** лойиҳаларфойдаланишга қабул қилиниб,**125 та** иш ўринлари яратилди.

**Қишлоқ хўжалиги** йўналишида умумий қиймати **10,3 млрд.сўмга** тенг **5 та** лойиҳалар фойдаланишга қабул қилиниб, **24 та** янги иш ўринлари яратилди.

Туманда жорий йилда **12,0 млн.АҚШ долл.га** тенг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш режаси белгиланган бўлиб, ўтган давр мобайнида **10,3 млн.АҚШ долл.га** тенг хорижий инвестициялар ҳамда хорижий кредит маблағлари ўзлаштирилди. Белгиланган прогноз режа йиллик прогоз режага нисбатан **86 фоизни** ташкил қилиб, йил якуни бўйича 100 фоизга бажарилади.

Ушбу йўналишда муҳтарам юртбошимиз томонидан қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, саноат ишлаб чиқаришида тайёр маҳсулот хажмини кўпайтриш мақсадида туманда фаолият юритаётган **"RUSO'ZBEKTEKS"** хорижий корхонаситомонидан **2021-2022 йиллар** давомида умумий қиймати **22,0 млн.евро** бўлган **“Тайёр Матолар ва Момиқ Сочиклар ишлаб чиқаришни ташкил этиш”** лойиҳаси амалга оширилиши бошланди.Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида **1 100 та** янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Ушбу йирик инвестиция лойиҳани амалга ошириш учун Европа мамлакатларидаги шу соҳада технологиялар ва ускуналар ишлаб чиқарувчилар билан музокаралар ўтказилди, хориждан мутахассислар жалб қилиниб, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

---

Бугунги кунда Германия давлатининг **“SAURER”, “TRUETZSCHLER”, “GENKINGER”, “HORNEX”, “ХЕТМА”, “SCHMALE DURATE”** ҳамда **“ZSK”** компанияларида ишлаб чиқарилган технологияларни сотиб олиш юзасидан шартномалар имзоланган.

Ҳозирда мазкур лойиҳа доирасида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Хитой Халқ Республикаси иштирокида ташкил этилган қўшма **“STAR ROSHIDON” МЧЖ** томонидан амалга оширилаётган янги лойиҳа доирасида плёнка ишлаб чиқариш ҳамда хайвон терисини қайта ишлаш корхонаси қурлиши бошланди. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати **36,4 млрд.сўм**ни ва яратиладиган иш ўринлари **30 нафар**ни ташкил этади.

Туманда кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича ўтган даврда Навбахор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида **14,0 гектар** майдонда ишлар бошланди. Ушбу кичик саноат зонаси бош режасига асосан жами **57 та** лотларга ажратилган. Бугунги кунда мазкур мазкур ҳудудда **7,7 га** ер майдонларида умумий қиймати **61,2 млрд. сўм**лик **12 та** лойиҳалар жойлаштирилди. Лойиҳалар ижроси натижасида **240 та** янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Туманда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобида бўш турган бинолардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида умумий қиймати **11,0 млрд.сўм** бўлган 49 та лойиҳалар шундан хизмат кўрсатиш йўналишида 39 та, санота қурилиш материаллари ишлаб чиқарш йўналишида 10 та лойиҳалар амалга оширилиб, улар негизида 135 та янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йилда туманда фаолият юритувчи саноат корхоналари томонидан қўшни ва узоқ хорижий мамлакатларга жами **11,7 млн.АҚШ** доллари миқдорида саноат маҳсулотлари экспортга йўналтирилди.

2022-04-16 16:29:25